

НАВРЎЗОЙ ШУКУҲИ КЕЗАР ЎЛКАМДА

Остонада турган Янги кун муборак!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Кўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 16 март № 9 (8451)

Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев "Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

Давлатимиз раҳбари "Тошкент метрополитенидан фойдаланишда пенсия олувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида"ги Қарорни имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куну БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Туркни қабул қилди.

Инсон манфаатларини илгари суриш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида Ўзбекистон билан БМТ тузилмалари ўртасидаги конструктив мулоқот ва амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда БМТ билан ушбу соҳадаги ҳамкорликда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ ҳамоҳанг бўлган Ўзбекистондаги ислохотлар стратегиясининг бош устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куну Анқара шаҳрига келгач, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан учрашув ўтказди.

Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг фавқуллодда вазиятларни бошқариш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш борасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган навбатдан ташқари саммитида иштирок этади.

Саммит доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Баҳорий юмушлар

Баҳорнинг бори таровати, бугун мевазор боғларга кўчгандай, оппоқ бўлиб гуллаган ўрик, гунча очаётган шафтоли, кўртрак отаётган, яшилланишга чоғланаётган гилосу жами мевали дарахтлар новдаларида элнинг қанча ризқ-насибаси яширинган.



ЎРИК ОППОҚ БЎЛИБ ГУЛЛАДИ

Суратда кўриб турганингиз Ҳожиакбар Мамажонов ҳам ана шу ризқ бунёдкорлари сафида меҳнат қилаётганлардан. У ёшлигидан боғбонликка ҳавас кўйди. Олтириқлик миришкорлар сабоғини олган йигит боғ яратиш эзгу мақсади эканини, аммо бунинг учун маблағи йўқлигини айтганида, Президентимизнинг ёшларга яратиб берган имкониятлари доирасида 412 миллион сўм кредит олишнинг йўл-йўриқларини кўрсатдилар. Шу асосда у Ёзёвон йўли ёқасидан 3,10 гектар ер олиб, боғ яратишга киришиб кетди. Ҳозирда бу

ерга экилган уч ёшли интенсив ўрик қийғос гулга кирди.

— Ёшларга яратилаётган бу имкониятлар бўлмаганида, қардан ҳам боғ бунёд қилардим,— дейди ёш соҳибкор. —Кўчатларни ёлланма ишчилар билан агротехника талаблари асосида маромида парвариш-ляяпмиз. "Боғни боқсанг, бой қилади" деганларидай, Худо хоҳласа, бу ердан яхши хирмон кўтариб, кредитни муддатидан анча илгари узиб олишнинг ҳисоб-китобини қилиб турибмиз.

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган сурат.

Сифатли таълим — давр талаби

МАКТАБ ХАЛҚ ТАҚДИРИНИ БЕЛГИЛАШДА БУЮК КУЧ

Бу кучга эътибор келажакка эътибор демакдир. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг туманимиздаги ягона мактаби фаолиятини ўрганиш жараёнида бу эътиборни ҳис қилдик ва янгиланиш айёми — Наврўзи олам арафасида бу тафсилотларни сизга ҳам илдиндик.



"Агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоғинг лозим". Ун тўққизинчи аср охири, йигирманчи аср бошларида яшаб, ижод қилган фаранг ёзувчиси Анри Барбюсснинг бу ҳикмати таърифига ҳожат бўлмаса керак. Яширишнинг ҳожати йўқ, яқин келажакда ўқитувчи-ю ўқувчини ижтимоий ҳаётда жисмоний меҳнат талаб этадиган юмушларнинг беминнат дастёрига айлантириб, таълим-тарбияни издан чиқаргандик. Шу жараёнларда мактаб ва ўқитувчининг бой берилган нуфузини ўрнига қўйиб олиш ҳамон давом этмоқда ва бу осон кечмаяпти. Ачинарлиси, биз интилаётган таълим сифатини оширишнинг

бирламчи ўчоғи бўлган оила билан мактабнинг доимий ҳамкорлигида бўшлиқ пайдо бўлди, уни тўлдириб олиш анча вақт талаб қилаётгани сезилиб турибди.

Ихтисослашган мактаб фаолиятини кузатиш жараёнида агар хоҳиш ва интилиш бўлса, масъулият ва талаб кучайтирилса, йўқотишлар ўрнини тўлдириб, мактабни қўлда мустаҳкам тутиб қолиш мумкин бўларкан, деган хулосага келдик. Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимиздаги ҳар бир туман ва шаҳарда агентлик ихтиёридаги ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилди. Улар қай тартибда шакллантирилди?

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари

лари агентлиги вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи Мафтунахон Одилхўжаеванинг маълумот беришича, дастлаб умумтаълим мактабларининг 6-11-синфларида айнан аниқ ва табиий фанлардан аъло баҳоларга ўқиётган иқтидорли ўқувчиларнинг базаси яратилди. Юқори синф ўқувчиларининг 6-11-синфлардаги баҳолари бали аниқланди ва энг юқори балл тўплаганлар офлайн шаклда имтиҳон топширдилар. Синовлардан сўнг агентлик мутахассислари суҳбатидан ҳам ўтдилар. Бу танловлар жараёнида таниш-билишликка мутлақо йўл қўйилмади.

Давоми 2-бетда

УШБУ
СОНДА:

2

* "Истиқбол йўли" олиб кирган йўлдаман
* Илҳом: Баҳор таровати

3

* Қуёш панеллари афзалликларинималарда кўринади?
* Тадбиркорга қўмақдошмиз

4

Сабоқ бекати
* Аҳли дониш дейдиларки
* Савол беринг, жавоб берамиз
* Билиб қўйган маъқул

МАКТАБ ХАЛҚ ТАҚДИРИНИ БЕЛГИЛАШДА БУЮК КУЧ



Бошланиши 1-бетда.

Энди мактабни бошқариш учун менежерлик қобилиятига эга бўлган раҳбарни танлаб олиш керак эди. Бу муассасага 60 номзод орасидан билими, салоҳияти, дунёқараши, бошқарув қобилиятига кўра, аввал 15-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатган Дилшоҳон Ғойипова муносиб кўрилди. Кузатганингиздай танлов чакки бўлмабди. Мактаб учун ажратилган бинода таъмир ишлари ниҳоятда дид билан олиб борилибди. Уқувчиларга пухта билим олиш учун яратилган шароитлар, тартиб-интизом, жамоанинг таълим сифати учун олиб бораётган ҳаракатлари ҳар

нинг 5-11-синфларига табиий фанларни яхши ўзлаштирган 391 иқтидорли ўқувчи жамлаб олинди. Уларга муносиб равишда ўқитувчиликни давлат ва халқ олдидаги энг масъулиятли касб деб билган, сараланган устозлар сабоқ бермоқдалар. Қобилжон Қосимов, Салоҳиддин Уктамов, Раҳмонали Розиков, Юлдузхон Холмирзаева, Мўйдинжон Эминов, Нодирбек Бакиржонов, умуман, ҳар бир ўқитувчи аввало ўзига талабчанлик билан ишлаётгани, бу йил битирувчиларимиз юз фоиз олий таълимга қамраб олиниши учун бор имкониятларини ишга солаётганлари, ўқувчиларимизнинг билимга чанқоқлигидан

ди. Мафтунахоннинг айтишича, бунда БСБ (боб синов босқичи) тартиби қўл келмоқда экан. Яъни қайси фан бўлмасин, бир боб ўрганиб бўлингандан сўнг мактаб маъмурияти айна шу боб устидан назорат тести ўтказар экан. Утолмай қолганлар умумтаълим мактабларига қайтариларкан. Шунинг учун ҳам болалар ўзлаштиришга астойдил интиларкан. Кейингиси ЧСБ – чорак синов босқичи бўлиб, бу синов бевосита агентлик кузатувида Президент мактаблари назоратчилари томонидан олинаркан. Шу таҳлид ўқувчилар чинакам сифатли таълим олишга муваффақ бўларканлар. Шароит муҳайё, мақсад аниқ, ният холис демак орзулар рўёбига шубҳа йўқ.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳам сифатли таълим олишга ҳақли, албатта. Шу маънода ихтисослаштирилган муассасалардаги тажрибалар аста-секин бу мактабларга ҳам ёйилишига ҳаракат бошланган. Яқинда агентлик ташаббуси билан “Замонавий мактаб лидерлар нигоҳида” лойиҳаси доирасида туманимизда ҳам умумтаълим мактаблари раҳбарлари учун ихтисослаштирилган мактаблар мутасаддилари тўрт кун давомида ўтказган семинар-тренинглар уларга таълим сифати, тарбия самарасини ошириш сари туртки берган бўлса, ажабмас. Бу ҳаракатлар изчил давом этиши тайин.

Сифатли таълим сари қўйилаётган қадамлар умидбахш. Аммо бу борада нафақат болалари ихтисослаштирилган мактабларда ўқиётган, балки ҳар бир ота-она иштироки муҳим эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Ахир гап халқ ва давлат тақдирини белгиловчи буюк куч – МАКТАБ ва жондан азиз фарзандларимиз келажаги ҳақида боряпти.

Хадичахон КАРИМОВА.

Суратда: дарс жараёни (1-бет); директор Дилшоҳон Ғойипова; вилоят ҳудудий бўлими бошлиги Мафтунахон Одилхўжаева ўқитувчилар билан.



қандай одамнинг ҳавасини келтиради. Яқин келажақда агентлик мактабларига ҳам АҚШ, Канада, Зимбабве, Ямайка, Филиппиндан келиб, вилоятимиздаги Президент мактабида сабоқ бераётган халқаро ўқитувчиларни таклиф этиб, тажрибалари билан ўртоқлашмоқчимиз.

– Мактабимизнинг сифатли таъмирида туман ҳокимининг ёрдами жуда катта бўлганини айтиб ўтмоқчиман, – дея суҳбатга қўшилади мактаб директори. – Муассасамиз-

ҳозирча кўнглимиз тўлмоқда. Ахир шундай бўлиши ҳам керак-да. Уқитувчиларимиз малака тоифаларига қараб 40 фоиздан 60 фоизгача устама оладилар. Бу ерда яна бир ҳақиқатни кўрдимки, билимга интилган болалар табиатан интизомли бўларкан. Мактабимизда яратиб берилган шароитлар, маънавий муҳит натижалари меҳнатга руҳлантиряпти, десам хато бўлмайди.

Бу ерда таълим сифати қай тарзда аниқланади, деган савол кўпчиликини қизиқтира-

Ёш ижодкор эътирофи

Бу йил баҳор хайрли келди. Хуш келди, сафо келди. Юзи ҳалол меҳнатдан қорайган, ҳали елкасидан кетмони тушмаган деҳқонлар юрагини шодликка, бағирларини эса бахтга тўлдирди бу баҳор! Бу баҳор менга ҳам ўзгача келди. Мен туғилиб ўсган туман ҳокимлиги тавсияси, ишончи зое кетмади. Менга ҳам Зулфияхонимнинг хос қизи сифатида Давлат мукофоти тақдим этилди.

“ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ” ОЛИБ КИРГАН ЙЎЛДАМАН



Қишлоқ қизиман, Шунинг учун бўлса керак, қишлоқ деҳқонларининг ҳақиқати ва ҳалоллигидан завқ олиб, шеър ёзишни бошлаганман. Шеърларимда она тупроқ билан, замин билан таржимонсиз гаплаша оладиган деҳқон оталарнинг самимий, гўзал қиёфасини ёритиб бермоқчи бўлганман. Бу эзгу ниятлар мени “Ғунча” тўғарагига чорлади. Илк шеърларим ана шу тўғарақда ишланди. “Эркин Воҳидовга”, “Бахтли қиз кўшиғи” каби ўнлаб машқларимга шу адабий тўғарақ гувоҳ.

“Ғунча”да мушоиралар, баҳр ул-байт каби тадбирлар кўп бўларди. Ҳаммаси ҳозиргидай ёдимда. Шеър ёзишга бўлган муҳаббатим шу даврлардан бошлаб шаклланган бўлса керак. Тўғарақ раҳбаримиз, шоир Тоҳиржон Уринов биз, жажжи ғунчаларни вилоят, туман, маҳалла ва мактабларда ўтказиладиган ижодий тадбирларга тез-тез олиб борардилар. Беш йил ўтди, чамамда. Ўзбекистон халқ шоири, устозимиз Энахон Сиддиқова (охиратлари обод бўлсин) билан Марғилондаги Увайсий уй-музейида бўлган суҳбатимизни ҳеч унутмайман. “Ғунча”чилар мушоираси Энахон—Онагул устозимизга жуда ёқди. Улар бизга энг керакли маслаҳатлар, сабоқлар бердилар. Бизга ҳавас қилганликларини, миллат учун, юрт учун керакли инсон бўлишимизни истаганликларини ошкор қилдилар ва бизни руҳлантирдилар. Устозни илк бора ўшанда таниганман. Лекин кун келиб, бу инсонни яхши кўриб қолганимни, мени кўнгилларига яқин олишларини ҳеч ҳаёлимга келтирмаган эканман.

“Ғунча”дан миннатдорман, чунки, тўғарақдаги адабий муҳит ижодда изланиб яшашим учун яхши маънода туртки бўлди. Ўнлаб шеърларим тўғарақда нашрга тайёрланган “Ғунча ифори”, “Қўштепа илҳомлари” шеърый тўпламларидан жой олди. Севимли тўғарагимизнинг ўн нафардан ортиқ ёш ижодкорлари Эркин Воҳидов ижод мактабига синов-имтиҳон асосида ўқишга қабул қилинди. Менинг ҳам кичик қадамларим ижод мактабига элтди. Ижод

мактабида адабий муҳит қайнай бошлади. Ўз доирамизда кучли ёзадиганлар кўп эди. Тўғарагимиз қатнашчилари Шоҳсанам Омонова, Гулзода Уринбоева, шунингдек, бошқа жамоалардан Муаттар Маматқаримова, Санжар Икромовлар... 7-синф ўқувчиси Нилуфар учун улар билан бир майдонда ижод қилиш мушкулдек туюлган... Чунки улар ижод мактабининг, менинг назаримда катта шоирлари эди. Кунлар ўтди, ҳамма ўз ўзанида ижод қилаверди...

Биринчи шеърим “Истиқбол йўли”да чоп этилган. “Менга бир шеър айтинг..!” деб бошланадиган машқ эди. Матбуотда шеърларимнинг ёритилишида Тоҳиржон Уринов устознинг хизматлари катта деб биланман. Улар бу соҳада доимо кўмаклашганлар. Утган йилнинг охири кунларида устоз билан биргаликда биринчи китобимни чоп этишга тайёрладик. Шеърлар тўпламим “Яшил сўз” номи билан дунёга келди. Номига изоҳ бермоқчи эмасман. Аммо, айтиб ўтганим яхши. Бу китобда ўзидан сўнг сўзлари тирик қолишини истаган бир умидли қизнинг шеърлари жамланган.

“Ғунча”нинг камол топишида унинг ташкилотчиси, таниқли журналист, севимли устозимиз Хадичахон Каримованинг меҳнатлари катта деб биланман. Ижодкор устозимизнинг меҳрибонлиги туфайли “Ойдин” ва “Истиқбол йўли” газетасининг иссиқ бағри биз, ёш ижодкорлар учун ҳамиша очик эди.

Биринчи ижодий қадам қўйган газетамга хурсандчилик билан мақола ёзаяпман. Бугун ана шу нуфузли рўзномамнинг, устозларнинг, Қўштепамизнинг менга бўлган ишончи янада ортди. Менга яна масъулият ҳисси. Масъулиятсиз яшайдан Худо асрасин. Сўнгсўз ўрнида айтмоқчиманки, ҳақиқат ҳеч қачон ўлмайди. Аниқ мақсад ва қатъият билан курашган ҳеч қачон ғалабасиз қайтмайди. Миллат курашганлар билан тирик. “Истиқбол йўли” менга истиқболли йўл тилаётгани учун ташаккур!

Юқоридаги сурат онам билан тасвирга олинган.

**Нилуфар ЭРГАШЕВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.**

Илҳом БАҲОР ТАРОВАТИ

*Юзин тутиб қўйи нурига
Ноз уйқудан уйғонар замин.
Ниш уради миллион хил неъмат,
Тўлдирай дер дунёнинг камин.*

*Сочин тараб мажнунтол момо,
Ўраб олар яшил рўмолин,
Дуо қилар ёшу кексалар
Тилаб озод юртнинг камолин.*

*Чугурлашиб қушларжон шодон
Совуқ қишни гийбат қилишар.
Кўнгил бериб эзгу ишларга*

Ободликка қўл чўзар башар.

*Кўзда, сўзда, ҳар дилда қувонч,
Кўкни тутган ялпизнинг исси.
Яратмоқни истар ҳар юрак,
Дилда ҳоким муҳаббат ҳисси.*

*Согинганим, кутганим—баҳор
Етказдирсин ҳар хуш тилакка
Сўлмайдиган, ҳамиша уйғоқ
Меҳр эксин ҳар бир юракка!*

Фарида ЮНУСОВА.

Қарор ва ижро

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

Мамлакатимизда ҳам қуёш панелларидан фойдаланаётганлар бор ва улар бу муқобил энергия афзалликларини яхши билдилар. Бу йилги суронли қиш деярли 320 кундан ортиқ давр қуёшли кечадиган мамлакатимизда ҳам бу табиий ҳароратдан, шамолдан, микро ГЭСлар орқали олинадиган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш заруратини вужудга келтирди. Президентимизнинг шу йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларга дастуриламал бўлаётир.

Хусусан, туманимизда ҳам ҳозирда фойдаланиб турган электр энергиясини тежашнинг манбаи бўлган қуёш панелларини ўрнатаётган хонадон, ташкилот, муассаса ва тадбиркорлик субъектлари сони секинлик билан бўлса-да, кўпайиб борапти. Кейинги ўн кунлар орасида қуёш панели ўрнатган хонадонлар сони 70 тага етиб қолди. Шунингдек, 20 тага яқин давлат идоралари, ижтимоий муассасалар, тадбиркорлик субъектлари томларига эҳтиёжлари даражасида қурилмалар ўрнатилмоқда.

Дастлаб қуёш панеллари истеъмолчиларга қандай афзалликларни тақдим этади, деган саволга жавоб берсак. Агар бир фуқаро хонадон томига 1 киловатт-соат қувватли қуёш панели ўрнатса, энергия харажатлари деярли учдан бирига камайишини бу манбадан фойдаланиб келаётганлар тажрибада синаганларини айтишяпти. Яна бир афзал томони шундаки, ақлли қурилма та-

Аҳоли сони, турар жойлар, ижтимоий ва тадбиркорлик объектилари сони тобора ортиб бораётган бир пайтда электр энергиясига эҳтиёжни тўла қондиришнинг имконияти йўқлиги ҳаммамизга аён ҳақиқат. Айниқса, бу йилгидек суронли қиш мавсумида энергия тақчиллигидан азият чекмаган одам қолмади ҳисоб. Нима қилмоқ керак? Албатта, соҳа мутахассислари, олимлар муқобил энергия манбалари яратиш борасида изланмоқдалар. Ва бу борада кўп-лаб ривожланган мамлакатларда аллақачон фойдаланилаётган қайта тикланувчи энергия манбалари имкониятларини бизда ҳам ишга солмоқни ҳаётнинг ўзи тақозо этиб турибди. Шу кунларда хонадонлар, давлат идоралари, тадбиркорлик субъектларига ўрнатилаётган қуёш панелларининг афзалликлари, бу муқобил манба орқали қанча иқтисодий самара кўриш мумкинлиги ҳақида ҳамма ҳам етарли маълумотга эга эмас.



бий ҳароратдан олган электр энергиясининг керакли қисмини етказиб бериб, қолганини ўзида сақлайди ва давлатдан олаётган энергия ҳисоблагичга уланган ҳолда ўтказиб беради. Шу асосда эҳтиёждан ортиқ тўпланган энергияни давлатнинг ўзи ҳар киловатт-соатини минг сўмдан

сотиб олади.

Тобора ривожланиб бораётган иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ҳар бир тадбиркор ва фуқародан замонга ҳамоҳанг қадам ташлашини талаб қилмоқда. Бу борада, албатта энг аввало у ёки бу соҳада фаолият кўрсатётган раҳбарлар бошқаларга ибрат

бўлишлари, ҳар қандай янгиликка биринчилардан бўлиб пешвоз чиқишлари муҳимдир. Шу маънода қуёш панеллари ўрнатишда ҳам барча раҳбарлар ўз хонадонларига энергия тежовчи қурилмаларни ўрнатишлари даркор ва шундай ҳам бўлмоқда. Лекин очиқ айтаман, бу борада сусткашлик қилаётган, иккиланаётганлар ҳам йўқ эмас. Яна ой айланиб келадиган қишда электр тақчиллиги ортидан дуч келинадиган қийинчиликларнинг олдини олиш учун бу ҳаракатда аввало ўзимиз ибрат бўлмоғимиз шарт. Ишончимиз комилки, қайта тикланувчи энергия манбаидан фойдаланадиган мижоз, у жисмоний шахси ёки юридик шахс, танловидан асло пушаймон бўлмади.

Ҳисобини яхши билган тадбиркорга ҳам, хонадон эгасига ҳам қуёш панелини ўрнатиш амалда фойдаланаётган энергияни тежаш имконияти бериш баробарида иқтисодий самара келтиради. “Бу қурилмани ўрнатсам, шунча кредитни қачон узаман, дея ваҳима босаётганлар йўқ эмас. Аммо истеъмолчи қанча қувватлироқ ақлли қурилма ўрнатса, шунга яраша субсидия ҳам олади. Қолаверса, узоқ муддатга берилаётган кредитни эҳтиёждан ортиқ энергияни давлатга сотиш орқали узиб олиши ҳам мумкин бўлади. Юқоридаги қарор асосида яратиш кўйилган имтиёзлар фақат истеъмолчи манфаатини кўзлайди.

**Ахрорбек ЮНУСОВ,
туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари.**

Солиқдаги имтиёзлардан хабардормисиз?

ТАДБИРКОРГА КЎМАКДОШМИЗ

Жаҳон тажрибасидан маълумки, очиқ-ошқора ва адолатли солиқ тизими иқтисодиёт ривожининг энг муҳим асосидир. Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётини янги, юксак босқичга кўтариш учун янги ислохотларни амалга ошириш ҳаётини заруратдир. Бу жараёнда иқтисодий занжирнинг муҳим ҳалқаларидан бири бўлган солиқ тизими барчага тенг ва эркин рақобат шароитини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йил биринчи январидан бошлаб солиқ қонунчилигига киритилган қатор ўзгаришлар юқоридаги ислохотларга асос бўлувчи бир намунадир десак, адашмаймиз. Мисол учун, айланмадан олинадиган солиқ ставкалари солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун 4 фоиз миқдоридеги ягона ставкани белгиланган ҳолда бирхиллаштирилди. Бундан ташқари, айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган суммада тўлаш тартиби жорий этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур тартиб бўйича солиқ тўлаш ихтиёрий ҳисобланади. Ушбу тартибни танлаш тадбиркорлик субъектлари учун кўйидаги енгилликларни яратиш беради:

- солиқ органларига молиявий ҳисоботлар ва айланмадан олинадиган солиқ ҳисоботини тақдим этиш мажбурияти юзага келмайди;
 - банк ҳисобварағидан дивиденд тарзида ечиб олинадиган маблағлар солиққа тортилмайди;
 - товарлар ҳисобини юритиш талаб этилмайди.
- Айни пайтда Президентимиз томонидан тадбиркорлар ҳар

томонлама қўллаб-қувватланаётганини айтиш керак. Жорий йил 3 февралда қабул қилинган “Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунга яққол мисолдир. Қарорга кўра, тадбиркорларнинг 2023 йил биринчи январга нисбатан биринчи феврал ҳолатига ошган (ҳосил бўлган) солиқ қарзини 2023 йил биринчи мартдан биринчи июлгача фоизларсиз, қўшимча шартлар қўймасдан ва таъминот талаб этмасдан тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади. Албатта, бу катта имконият.

Яна бир муҳим янгиликлардан бири шуки, тадбиркорларнинг солиқ қарзига пеня ҳисоблаш 2023 йил биринчи апрелигача тўхтатилади. Бундан ташқари, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга 2023 йил биринчи апрелигача жарималар қўлланилмайди.

Солиқ хизмати органлари қийинчиликларга учраган тад-

биркорларга “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида хизмат кўрсатишда давом этаркан, таъкидлаш жоиз, айни кунларда инспекция-миз ходимлари томонидан турли очиқ мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда, муаммолар ўрганилиб ижобий ҳал этиш чоралари кўришмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда кўмак кўрсатилмоқда.

Хусусан, феврал ойи давомида соҳага доир 51 та ҳолат бўйича муаммолар ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлган 29 та тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, қўшилган қиймат солиғининг ортиқча тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Солиқ тўловчилар юзага келадиган барча тушунмовчиликларга жавоб топиши учун “Савол ва жавоб” интернет саҳифаси ҳамда Солиқ қўмитаси қошидаги кечаю-кундуз ишлайдиган “Колл-центр” (1198) фаолияти йўлга қўйилган.

Биз, солиқ идоралари ходимлари бундан буён ҳам Президентимиз белгилаб берганларидек, тадбиркорга маслаҳатчи, кўмакчи ва яқин ҳамкор сифатида фаолиятимизни давом эттираемиз.

**Зухриддин МИРЗАЕВ,
туман солиқ
инспекцияси
бошлиғи.**

“Яшил макон” лойиҳаси – амалда

Табиат уйғониб, атроф-оламда кўклар таровати намоён бўлган бугунги кунда юртимизнинг шаҳар-у қишлоқлари каби туманимизда ўзгача тараддуд бошланиб кетди. Яшариш ва янгилашни айёми бўлмиш Наврўз муқаддас Рамазон ойи билан бир пайтда ташриф буюриши поклик ва бунёдкорликка ошуфта халқимизни янада руҳлантариб юборди. Ўз масканимизни обод этиш, саришталаш тадбирлари қадим анъаналар билан омухта равишда олиб борилаётир. Элимизнинг ана шундай эзгу одатларидан бири – кўчат экиш ишлари ҳам кўтаринкилик ва баҳамжиҳатликда амалга оширилмоқда. Қўйидаги хабар улардан бир намуна холос.

ЕРГА НИҲОЛ, ДИЛГА УМИД ҚАДАЛАР

Куни кеча “Барот” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги беш гектарли майдонга “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ташкилотимиз ҳамда табиатни муҳофаза қилиш бўлими, пиллачилик идораси ходимлари билан ҳамкорликда 2000 дона кўчат экилди. Жараёнда сектор раҳбарлари ҳам ҳозир бўлиб, ерга ниҳол қададилар. 33-мактабгача таълим муассасаси ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Тут ниҳоллари вақт ўтиб дарахтларга айланиб, туманимизда пиллачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши бегумон.

Бошқармаимиз ходимлари томонидан “Нурафшон”, “Йўлдошобод”, “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида баҳорий юмушлар сифатли амалга оширилиб, йўл четларидаги қарийб тўрт километр масофадаги мевали, манзарали дарахтлар оқланиб, шакл берилди. Бу ишларда маҳалла фаоллари яқиндан ёрдам бердилар.

Катта ҳашарга айланиб кетган халқона ободончилик тадбирларида нурунийларимиз дуога қўл очиб, Яратгандан эл-юртга тинчлик, рўшнолик, меҳр-оқибат рамзи бўлмиш Наврўзга поёндоз этиб экилган гулу ниҳоллар ривожини тиладилар. “Яшил макон” доирасида кўчат экиш баҳонасида дийдорлашган маҳалладошлар баҳор шукӯҳини юракдан ҳис этиб, яшилланиб бораётган кўча ва гузарларни доим ораста тутиш, янги ниҳоллар парваришида ҳамжиҳат бўлишга келишиб олдилар.

**Хайрулло ОТИЛЛАЕВ,
туман ободонлаштириш бошқармаси назоратчиси.**

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Нарса улашишда фарзандларингизни тенг кўринг. Агар бирор кишини афзал тутганимда аёлларни афзал билган бўлар эдим.

Табароний ривояти.

Овқатланаётганда Аллохнинг номини зикр қил, ўнг қўл билан ва ўзингнинг олдиндан егин.

Бухорий ва Муслим ривояти.

Сизларга тез кунда шундай замонлар келадими, ўшанда уч нарсдан азизроқ, яъни нодир нарса бўлмайди: 1) ҳалол дирҳам; 2) дўстлашадиган биродар; 3) амал қилинадиган суннат.

Ҳузайфа (розияллоху анху)дан Табароний ривояти.

Сахий киши Аллохга яқин, одамларга яқин ва жаннатга яқин бўлиб, дўзахдан узоқдир. Бахил одам Аллохдан узоқ, инсонлардан узоқ, жаннатдан узоқ, дўзахга яқиндир. Сахий жоҳил Аллох таолога ибодат қилувчи бахил обиддан маҳбуброқдир.

Термизий ривояти.

Сахийлик жаннат дарахтларидан бир дарахтдир. Унинг шохлари дунёда осилиб туради. Ким ундан бирор шохни ушласа, ўша шох уни жаннатга етаклайди. Бахиллик дўзах дарахтларидан бир дарахтдир. Унинг шохлари дунёда осилиб туради. Ким ундан бирор шохни ушласа, ўша шох уни дўзахга бошлайди.

Байҳақий ривояти.

"2002 ҳадис"дан. (Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри). "Мунир" нашриёти. Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб доно бўлур, Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур. Алишер НАВОИЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

БАХТНИНГ ЭНГ ЗАРУР ШАРТИ – МЕХНАТ

Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади.

ИБН СИНО

Ҳаракат иштаҳа очгани сингари меҳнат ҳам роҳатга ташналикни оширади.

Иштиёқ билан қилган ишимиз – дардимизни даволайди.

Энг яхши ахлоқий ва эстетик дори – меҳнат.

Бахтнинг энг зарур шarti – меҳнат: биринчидан, сеvimли ва озод меҳнатдир; иккинчидан, иштаҳа очадиган ва қаттиқ, тинқтириб ухлатадиган жисмоний меҳнатдир.

Меҳнат очликнинг давоси, ошқозоннинг малҳами, сиҳат-саломатликнинг гаровидир.

Айш-ишрат ва бекорчиликдан бузуқлик ва

касалмандлик келиб чиқади—аксинча, ақлнинг нимагадир интилиши соғлиқни муттасил мустаҳкамлаб борадиган бардамликни юзага чиқаради.

ГИППОКРАТ

Меҳнат ҳаёт чироғига ёғ қуйиб туради.

Ж. БЕЛЛЕРС

Дангасалик қилиб сиҳат-саломат бўлишни кўзлаган одам жим туриб овозини очмоқчи бўлган нодон билан баробардир.

ПЛУТАРХ

Дунёда ҳаракатсизликдан ҳам ортиқроқ ҳалокатли ва тоқат қилиб бўлмайдиган нарсаси йўқ.

А. И. ГЕРЦЕН

Ҳеч нарса узоқ вақт давомида жисмоний ҳаракат қилмасликдек киши мадорини қуритмайди ва уни маҳв этмайди.

АРАСТУ

"Тафаккур гулшани"дан. Фафур гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1989 йил.

Савол беринг, жавоб берамиз

ЖАВОБГАРЛИК БОР

Савол: Интернетда ёлгон ахборот тарқатишга жавобгарлик борми?

Жавоб: Шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш: – Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари (бугунги кунда 15 миллион сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

ЎТИБ КЕТГАН МУДДАТ ТИКЛАНМАЙДИ

Савол: Мени айрим тушунмовчиликлар сабаб, ноҳақ ишдан бўшатишди. Судга мурожаат қилсам, бу масала қанча муддатда кўриб чиқилади?

Жавоб: Меҳнат кодексининг 270-моддасига асосан, меҳнат ҳуқуқингиз бузилган тақдирда судларга мурожаат қилишнинг қуйидаги муд-

датлари белгиланган.

Ишга тиклаш низолари бўйича ходимга тегишли буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб 1 ой;

Иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низо бўйича зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб 1 йил;

Меҳнат билан боғлиқ бошқа низолари бўйича ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб 3 ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Юқоридаги муддатларга эътиборли бўлиш фақат ўзингизни фойдангизга ишлайди. Агар ушбу муддатларни ўтказиб юборганингиздан кейин келтирган сабабларингиз суд томонидан ростдан ҳам узрли деб топилмаса, суд ўтиб кетган муддатни тикламайди.

И. МАҲМУДОВ, Риштон тумани адлия бўлими Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлинимасининг етакчи маслаҳатчиси.

Билиб қўйган маъқул

ДАРМОНБАХШ САЛАТЛАР

Баҳорнинг фусункор табиати барча ёшдагиларни бирдек сеҳрлайди. Айниқса, ям-яшил далаларда, қиру адирларда, шунингдек деҳқонларнинг томорқаларида барқ уриб ўсган гулу гиёҳлар минг бир дардга даво бўлади. Кўкламги хорғинликни бартараф этувчи бундай кўклатлардан турли хил витаминли салатлар тайёрлаб, истеъмол қилинса, киши соғлом ва тетик юради.

Редискали салат. Оқ тумшукли бир боғ редиска яхшилаб ювилиб, қирғичдан ўтказилади. Шивит, петрушка, селдерей кўклатларини майдалаб ва бир дона қайнатилган тухумни тўртбурчак шаклда тўғраб солинади. Ма-салликларни салат идишига солиб, устидан таъбга кўра қатик қуйилади, керагича туз ва зирavorлар солинади. Бу салат витаминларга ниҳоятда бой бўлиб, танага куч-қувват бахш этади.

Сачратқи салати. Меъда-ичак, ўт тоши, талок ва бавосил касалликларида фойдали ҳисобланган сачратқининг мурғак новдалари яхшилаб ювилгач, 2-3 см. қилиб қирқилади, туз ва сариеғ қўшилиб, 20 дақиқа давомида димланади. Димлама тайёр бўлгач, устига майда қилиб кесилган петрушка сепилади

ва дастурхонга қўйилади. Бу салатни тайёрлаш учун бир боғ сачратқининг ёш новдалари, бир бўлакча сариеғ, петрушка ва таъбга кўра туз солинади.

Саримсоқли сабзи салати. Камқонликда, дармонсизликда, нафас йўллари шамоллаганда фойда берадиган ушбу салатни тайёрлаш учун бир-икки дона сабзи ювилиб тозалангач, йирик тишли қирғичда қирилади. 2-3 бўлак саримсоқни тозалаб, майда тўғралади ва туз билан бирга сабзига аралаштирилади. Қошиқ учидан шакар, сметана қўшилади, керагича туз сепилади. Дастурхонга тортиш олдиндан салатни яна бир бора аралаштириб олиш керак.

"Сиҳат-саломатлик" журналидан.

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташланган!

ISTIQBOL YO'LI
МУАССИС:
ҚўШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фарғона вилояти бошқармаси томонидан 2007
йил 9 январда 12-012 рақами билан рўйхатта
олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номли маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

Газета
таҳририятнинг
компютерида
терилди ва
саҳифаланди.
Дизайнер:
Достонбек Холматов

"Полиграф-Пресс" МЧЖ
босмаҳонасида 3003
нусхада чоп этилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875
Буюртма № 179
Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Хадичаҳон КАРИМОВА
ISSN 2010-9253
1772010925307